



МАҚСАДИМИЗ — ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИ РИВОЖЛАНТИРИБ, АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ, ИШ ЖОЙЛАРИНИ КўПАЙТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар иқтисодиёти, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 15 февраль куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.



Ташриф дастурида кўзда тутилган манзиллар ва режалар кўп. Биринчиси “Асака текстиль” кластерининг тўқимачилик корхонаси бўлди.

Бу улкан мажмуа иқтисодий контрастнинг ёрқин мисоли. 2016 йилгача бу ер ташландик жой эди. Давлатимиз раҳбари тадбиркорларга берган руҳ ва мадад натижасида бу ерда босқичма-босқич янги бинолар қурилиб, 2022 йил августда ишга туширилди. Бугунги кунда 83 миллион долларлик лойиҳа эвазига хомашёдан тайёр маҳсулотгача бўлган тўлиқ “занжир” ташкил этилган.

Хусусан, кластер тизимида Андижон вилоятининг Улутнор ва Жалақудуқ туманлари ҳамда Хоразм вилоятининг Янгибозор туманида 11 минг 200 гектар майдонда пахта етиштирилади. Шундан 2700 гектарда томчилаб сугориш йўлга қўйилган.

Асакадаги корхонага Швейцария, Италия, Туркия, Германия, Япониядан ускуналар келтириб ўрнатилган. У йилга 11 минг тонна ип-калава, 8 минг тонна момик ва трикотаж мато, 12 минг тонна ип ва матони бўяш, 6 минг тонна тайёр трикотаж ва сочиқ ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу ерда 3 минг 200 киши ишламоқда.

Корхонада хорижий ҳамкорлар талабига асосан сифат назорати, касб ўргатиш маркази ташкил этилган. Бўёқ цехидан чиққан сувни тозалаш иншооти ҳам ишга туширилган.

Умуман, кластер томонидан 102 миллион долларлик лойиҳалар амалга оширилиб, йиллик 50 миллион долларлик экспорт қуввати яратилган. Бундан етти йил олдинги ҳолат билан солиштирганда даромад, иқтисодий манфаатдорликдаги фарқ ер билан осмонча.

Келгуси йилларда кластер томонидан Улутнор туманида 70 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш заводи, тикув-трикотаж ва пайпоқ ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилиниши режалаштирилган. Уларда яна 1 минг 600 дан зиёд иш ўрни очилади.

Шу ерда Андижон вилояти мисолида пахта-тўқимачилик саноатини ривожлантириш концепцияси бўйича ахборот берилди. Қайд этилганидек, ишлаб чиқариш таннархи 15 фоизга қисқартирилди, 65 фоиз қўшилган қиймат яратилади. Дизайнер ва технологлар мактаби ташкил этилади. Нуфузли брендлар ва ритейлерлар жалб этилиб, тармоқ корхоналари экспорти 800 миллион долларга етказилади.

Давлатимиз раҳбари кластер билан фермерлар ўртасидаги муносабатларда манфаатдорлиқни ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратади.

— Кишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини ривожлантиряпмиз. Мақсадимиз — ерга нисбатан эътиборни, маҳсулот етиштирувчилар манфаатини кучайтириш. Соҳанинг қўйи бўғини бўлган деҳқон ва фермерлар ҳам рақобатбардош бўлиши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент корхонада ишлаётган тикувчи аёллар билан суҳбатлашди. Уларнинг айримлари ўз туманида юқори маошли иш пайдо бўлгани учун меҳнат мухожирлигидан қайтиб келган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Андижон туманидаги “Андижон саноат хаби”даги корхоналар фаолияти билан танишди.

105 гектар майдонни эгаллаган ушбу саноат ҳудудиде машинасозлик, электротехника, қурилиш материаллари каби

тармоқлардаги 12 та лойиҳа жойлашган. Улардан бири — “Авто Спринг Компонентс” масъулияти чекланган жамияти. Умумий қиймати қарийб 60 миллион АҚШ доллари бўлган бу корхона йилга 18 минг тонна пўлат деталлар ишлаб чиқариш қувватига эга.

Маълумки, қуйма деталлар саноатининг асоси ҳисобланади. Уларни ишлаб чиқариш юксак малака ва технологиялар талаб этади. Хусусан, илгари мамлакатимизнинг автомобилсозлик ва машинасозлик тармоқларида бундай қисмлар импорти катта ўрин тутарди. Уларнинг маҳаллийлаштирилиши энди таннархни камайтириб, рақобатбардошлиқни оширади.

Корхонада Хитой ва Германия давлатлари технологиялари асосида пўлат қисмлар тайёрлаш лойиҳаси бошланган. Металл қуёв қисми АҚШ, механик ишлов бериш қисми Хитой компаниялари томонидан лойиҳалаштирилган. Ўтган йили 4 турдаги кишлоқ хўжалиги техникаси учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилган.

Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, 140 та иш ўрни яратилган. Шу йилнинг май ойида автомобиллар учун қуйма қисмлар тайёрланадиган иккинчи босқич ишга туширилади.

Бу ноёб корхона бир вақтнинг ўзиде 12 тонна металл эритиш имкониятига эга. Яна бир самарали томони, хомашёлар Асака туманидаги автомобиль заводининг темир чикиндиларидан олиниб, қайта ишланади.

Мажмуа тўлиқ қувватга чиққанда, йилга 27 миллион долларлик маҳсулотлар маҳаллийлаштирилади. Президентимизга маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар ҳақида ахборот берилди. Бунда таннархни

камайтириш ва “яшил” технологияларни қўлашга катта эътибор қаратилади.

Жорий йилда умумий қиймати 156 миллион долларлик 10 та лойиҳа ишга туширилиб, 2 минг кишининг бандлиги таъминланади. 2025 йилда умумий қиймати 14 миллион долларлик 2 та лойиҳани амалга ошириб, яна 400 та иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари “Андижон саноат хаби”да вилоятда ишлаб чиқарилаётган мебеллар кўргазмаси билан танишди.

Андижон вилоятида 377 та мебелсозлик корхонаси фаолият юритмоқда. Сўнгги 5 йил давомида мазкур йўналишда 35 миллион долларлик 84 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 3 мингдан зиёд иш ўрни яратилган. Мебель ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилга нисбатан 15 баробарга ортган.

Мебелсозлар учун солиқ, божхона тўловлари бўйича қатор имтиёзлар жорий этилган, экспортдаги харажатлар ҳамда хориждан жалб этилган мутахассислар иш ҳақининг қисман қоплаб берилиши соҳа вакилларига катта рағбат бўлмоқда. Бугунги кунда йилга 300 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланиб, минтақа мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Президентимиз корхоналар таъсисчилари билан суҳбатлашди.

— Ўтган йиллардаги энг катта ютуқлардан бири тадбиркорларимизда онг ўзгарди, ишонч ортди. Бугун улар рақобатбардош бўлиб, дунёга чиқяпти. Булар ҳам фаолиятини оддий ишдан, маҳалладан бошлаган. Бошқалар ҳам шундай қилса бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда аҳоли тадбиркорлигини қўлаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Андижон вилоятида 41 та маҳалла мебелсозликка ихтисослашган. Масалан, Олтинқўл туманидаги Ижтимоат маҳалласида 490 та хонадонда мебель тайёрлаш кооперация усулида йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, яқна тартибда рўйхатдан ўтган ва ўзини ўзи банд қилган хунармандлар ҳам кўп. Минглаб ёшлар “Астоз-шоғирди” анъанаси асосида хунар ўрганмоқда.

Шу боис, мебелчиликни янада ривожлантириш бўйича иш олиб бериламоқда. Андижон ва Олтинқўл туманларида бунга ихтисослашган 2 та саноат зонаси ташкил этилмоқда.

Ушбу тажриба асосида вилоятдаги 909 та маҳалланинг имкониятларини ўрганиб, сердаромад йўналишларга ихтисослаштириш чоралари муҳокама қилинди. Бунинг учун давлат томонидан инфраструктура яратилиб, моддий-ташқилий жиҳатдан кўмак берилади. Мақсад — Андижон вилоятини ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантиришга интилиш.

Президент Андижон вилоятида амалга оширилиши режалаштирилган йирик лойиҳалар тақдими билан танишди.

Қайд этилганидек, хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда жами 1,7 миллиард долларлик 26 та лойиҳа устида иш олиб бериламоқда. Улар энергетика, электротехника, машинасозлик, тўқимачилик, қурилиш материаллари, фармацевтика, қишлоқ

хўжалиги, таълим ва инфраструктура каби муҳим соҳаларни ўз ичига олади.

Масалан, мини гидроэлектростанциялар, уй-жой ва кўнгилочар масканлар қуриш, электробуслар ва улар учун аккумуляторлар, керамогранит ва бетон панеллар, дори воситалари ишлаб чиқариш, гилос ва резавор мевалар етиштириш каби лойиҳалар қўлаб иш ўринлари, иқтисодий самарадорлиги билан халқимизга катта манфаат келтиради.

Давлатимиз раҳбари хитойлик инвесторлар билан суҳбатлашди. Улар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги стратегик шериклик юксак даражага чиққани, мамлакатимиздаги улкан имкониятлар ишбилармонларга ишонч бераётганини таъкидлашди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Марҳамат туманидаги шахмат мактаби ва кутубхонада бўлди.

Юртимиз олдиндан салоҳиятли шахмат мактабига эга. Бугун ҳам болалар ўртасида “ақл гимнастикаси”га қизиқиш катта. Уларнинг бу иштиёқини қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида Марҳамат туманида ҳам мажмуа бунёд этилди. Эркин Воҳидов номидаги ушбу мактабда ўқувчилар дарсдан бўш вақтларида ақл машқидан сабоқ олади. Уларнинг маҳоратини ошириш учун тажрибали мураббийлар жалб қилинган. Ўқув-машғулот хоналари ва мусобақа зали мавжуд. Компьютерлашган илғор дастурлар ёшларга манзур бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда сабоқ олаётган ўтил-қизларнинг интилишларини қўлаб-қувватлаб, эзгу тилаклар билдирди. Бу муассасани бошқа шахмат мактаблари билан боғлаб, тажриба алмашиб бориш муҳимлигини таъкидлади.

Ушбу мактабга туташ Ёшлар кутубхонаси ҳам қурилган. У кенг ва шинам, бир вақтда 150 дан ортиқ китобхон мутлоа қилиши мумкин. Кутубхона 30 минг нусхадан зиёд адабиётга эга, қатор ахборот марказлари тармоғига уланган. Шулар боис, ёшларнинг сеvimли масканига, интеллектуал ўйинлар, ижодий учрашувлар, китоб тақдиротлари ўтказиладиган қайноқ даргоҳга айланган.

Президент шу ерда андижонлик ёшлар билан мулоқот қилди.

— Биз иқтисодиётимизни ривожлантириб, аҳоли жон бошига даромадларини ошириш, иш жойларини кўпайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Андижонда ҳам катта режаларимиз бор. Бунда аввало, сизларга таянамиз. Ҳар бир билимли ёш — Ватан ҳимоячиси, — деди Шавкат Мирзиёев.

Таълим тизимидаги янгиликлар, ёш авлодга яратилаётган шароитлар, илмий-ижтимоий лойиҳалар ҳақида сўз борди. Президент ёшлар билан янги ташаббуслар юзасидан фикрлашди. Шунингдек, уларнинг тақлифларини қўлаб-қувватлаб, мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Андижон шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернатини ҳам кўздан кечирди.

Мазкур муассаса ўтган йили 50 миллиард сўм давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қурилган. У 504 ўринга мўлжалланган бўлиб, 5-11-синфларда аниқ ва табиий фанларни чуқур ўқитишга

ихтисослашган. Мактабга ўқувчилар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан имтиҳон асосида олинади.

Мактаб-интернатда 60 дан ортиқ ўқув ва компьютер хоналари, чет тили синфлари, лаборатория мавжуд. Шунингдек, 222 ўринли ётоқхона, ошхона, спорт зали замонавий жиҳозланган.

Президентимиз шу ерда ўқитувчилар билан суҳбатлашди. Мактабнинг юқори синфлари билан олийгоҳ дастурлари ўртасида узвийлиқни таъминлаш, бир-бирини такрорлайдиган дарсларга ёшларнинг вақтини кетказмасдан, кўпроқ амалиётга йўналтириш бўйича кўрсатмалар берди. Умуман, мактабларга таълим, тарбия ва маънавият бўйича янги муҳит олиб кириш кераклиги таъкидланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Андижон шаҳрида бунёд этилаётган Универсал спорт мажмуасини бориб кўрди.

Ҳозирда тўрт минг томошабинга мўлжалланган ёпиқ зал қурилган. Унда бир неча спорт тури бўйича мусобақалар ўтказиш мумкин бўлади. Жумладан, жорий йил кузда футбол бўйича жаҳон чемпионатининг айрим ўйинлари шу ерда ўтказилади.

Йирик мажмуада бассейн, кафе, ресторан ҳам бўлади. Машҳур спортчиларнинг маҳорат мактаблари учун ҳам шароит яратилади. Машғулотлар спорт федерациялари ва олий таълим масканлари билан боғланган ҳолда олиб борилади.

Мажмуани самарали эксплуатация қилиш, замонавий бошқарувни жорий этиш лозимлиги айтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳридаги марказий қозонхонани бориб кўрди.

У яқинда имтиёзли хорижий кредит эвазига реконструкция қилиниб, Хитойда ишлаб чиқарилган 3 та энергия тежамкор қозонлар ўрнатилган. 28 километр иссиқлик қувурлари ётқизилиб, 373 дона индивидуал иссиқлик пунктлари ташкил этилган. Шунингдек, 2 минг киловатт қувватли трансформатор ўрнатилиб, юқори қуча-нишли электр тармоғи тортилган.

Натижада шаҳардаги 271 та кўп қаватли уй ва 30 та ижтимоий объект марказлашган иссиқ сув ва иссиқлик таъминотига эга бўлади. Шу билан бирга, бир йилда 16 миллион метр куб табиий газ, 2 миллион киловаттдан зиёд электр энергияси тежаб қолинади.

Шу ерда 2024-2026 йилларга мўлжалланган навбатдаги лойиҳалар ҳақида ахборот берилди. Унга кўра, Андижон шаҳридаги яна 5 та қозонхона реконструкция қилиш, 33 километр иссиқлик тармоқларини қуриш ва 114 та кўп қаватли уйнинг ички иситиш тизимларини янгилаш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларни жадаллаштириб, аҳолини барқарор иссиқлик билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимизнинг Андижон вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АБВАЛБОВЕВ,
Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўза мухбирлари

Долзарб мавзу

ҲОЛИБ ТАРҒИБОТНИНГ ТУҒУ ТУҒРОСИ

Ҳаммамиз кўриб-қилиб турибмиз, бугун дунё шиддат билан ўзгариб, геосиёсий вазият тобора чигаллашиб борапти. Бу эса давлатлар ва миллатлар хавфсизлигига, инсонлар онгу тафаккурига, дунёқарашига таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Айниқса, муқаддас тушунча ва қадриятларимиз очикдан-очик топталаётгани ҳамда интизомсизлик, боқимандлик, бепарқилиқ, лоқайдлик, худбинлик, манфаатпарастлик иллатларининг тобора ортиб бориши барчамизни хавотирга солади.

Негатив (деструктив) тарғибот бутун дунёни қамраб олмоқда. Бу тарғиботнинг мақсади ижтимоий адоват уйғотиш, маънавий муҳитни бузиш, низолар келтириб чиқариш, вазиятни кескинлаштиришдан

иборат. Шу мақсадда ёшларга деструктив, радикал ғоялар, ёлгон маслақлар ва қарашлар сингдирилмоқда.

Бу эса биздан янада огоҳ ва қатъиятли, бирдам ва юрт ишига дахлдор бўлишни талаб қилади. Одамларга янгича қараш ва синналмаган ғояларни сингдириб, янгидан велосипед кашф этиш эмас, аввало, миллий тарбиямиздан йироқлашмаслик тамойилини қарор топтириш муҳимроқ, деб ҳисоблаймиз.

“Инсоф” деганингиз нима?”

Одам ўзи тушунмайдиган сўздан таъсирланмайди, ўз хатти-ҳаракатини ўзгартрмайди. Ўзбек тарбияси мазмунидан жой олиб, ўзаро муносабатларда намоён қилиниши лозим бўлган инсоний фазилатларни ифодаловчи сўз ва иборалар мавжуд. Масалан, бир вақтлар “тавозе”, “ибо”, “хаё”, “виждон”, “меҳр-оқибат” каби сўзлар фаол қўлланилгани миллий маънавиятимизнинг юксак чўққига кўтарилганидан далолат беради.

► Давоми 3-бетда



ЎЗБЕКИСТОН 2030 СТРАТЕГИЯСИ

КИБЕРГИГИЕНА

ИНСОН ШАЪНИ ВА ҚАДР-ҚИММАТИГА ТАҲДИДЛАРНИ КАМАЙТИРАДИ

Комрон НИГМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти шўъба мудири

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши билан мутаносиб равишда айрим фуқаролар ўз шаъни ва қадр-қиммати, юридик шахслар эса ишбилармонлик обрўсига қилинган тажовузлар қурбонига айланмоқда. Хўш, айрим нопок шахслар шаън, қадр-қиммат ва ишбилармонлик обрўсига қандай усуллар билан путур етказяпти? Бу борада янги таҳрирдаги Конституциямиз қандай қафолат ва ҳуқуқий ҳимоя механизмларини назарда тутди? Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида қандай чора-тадбирлар назарда тутилмоқда?

Гарчи шахснинг шаъни, қадр-қиммати Конституция ва бошқа қонунлар билан ҳимоя қилинса-да, аммо унинг аниқ тушунчаси қонунчиликда очиб берилмаган. Шу билан бирга, суд амалиёти ва илмий нуқтаи назардан олганда, шаън бу инсоннинг жамият томонидан баҳоляниши, қадр-қиммат эса фуқаронинг ўзини ўзи баҳоляшидир. Содда қилиб айтганда, шаън бу атрофдаги инсонларнинг сиз ҳақингиздаги фикри бўлса, қадр-қиммат уларнинг фикридан қатъи назар, ўзингиз ҳақиндаги фикрингиз ҳисобланади.

Конституциямизда шаън 9 марта, қадр-қиммат эса 11 марта қайд этилган. Жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини қамраб олган бундай олий ҳужжатда бу тушунчаларнинг кўп такрорляниши бежиз

эмас. Мазкур ҳолат давлатнинг бу борадаги ҳуқуқий сиёсатини кўрсатиб беради. Конституциянинг 13- ва 26-моддаларига кўра, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият, улар дахлсиздир. Ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Фуқаролик кодексининг 100-моддасига асосан, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар юзасидан суд йўли билан раддия талаб қилишга ҳақли. Бунда маълумотларни тарқатган шахс олдида биргина шарт, яъни бундай маълумотлар ҳақиқат эканини исботлаши керак бўлади. Агар у судда тарқатилган фикрлар ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, етказилган зарар ва маънавий зиёни қоплашга мажбур бўлади.

Ҳаётимизда энг кўп учраётган шаън, қадр-қимматни бадном қилувчи жиддий таҳдидлар қаторига онлайн шантаж ва кибербуллинглар қиради. Масалан, яқинда телеграм ижтимоий тармоғидаги каналлардан бири орқали аёлларнинг фото ва видеоларини тарқатган фуқароларга ҳукм ўқилди. Онлайн шантажда шахсларнинг фото ва видеоларини барча учун очик бўлган каналга жойлаштириб, маълум пул эвазига ўчириб ташлаш таклиф этилади.

Кибербуллинг деганда рақамли маконда, яъни Интернетда хабарлар ёки шарҳларда ҳақоратли ёки бошқа бадном маълумотлар тарқатиш, шахсий маълумотларни наشر этиш (масалан, сизнинг манзилингиз, телефон рақамингиз, фотосуратларингиз) ёки бошқа таҳдидли постлар (сизга жисмоний ёки моддий зарар етказиш билан қўрқитиш ва ҳ.к.) қолдириш тушунилади.

Фей (сохта) янгиликлар ва дезинформация ҳам шаън, қадр-қимматга жиддий путур етказди. Бунда электрон ахборот воситалари ва бошқа манбалар орқали одамлар ҳақида ёлгон маълумотлар тарқатилади. Бу ҳолат, ўз навбатида, уларнинг обрўсига салбий жиҳатдан жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Сохта янгиликлар нафақат жисмоний шахслар, балки компания ва ташкилотларга ҳам зарар етказди.

Шунингдек, ижтимоий тармоқларда ахлоссиз хатти-ҳаракатларни содир этиш ҳам шаън, қадр-қимматни бузиш, деб топилиши мумкин. Масалан, айримлар ижтимоий тармоқ ёки форумларда бошқаларни ҳақорат қилиш, камситиш, тухмат қилиш билан шугул-

ланади ва бу ишларни одатда аноним тарзда қилишга уринади. Бу эса нафақат одамларнинг шаъни ва қадр-қиммати бузилишига, балки жамиятда салбий муҳит яратилишига олиб келади.

Юридик шахслар, хусусан, тадбиркорлик субъектларининг шаъни, қадр-қиммати эмас, балки ишбилармонлик обрўси мавжуд, айнан у Конституция билан қўриқланади. Айрим шахслар виждонсиз ҳаракат қилиб, рақобатчиларни обрўсизлантириши мумкин. Бунда масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг ишбилармонлик нуфузига путур етказиш мақсадида била туриб ёлгон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатиш Жиноят кодексининг 192-моддаси билан жавобгарликка тортилишга сабаб бўлади.

Путур етказувчи маълумотлар деганда, айрим фуқаролар ёки жамоат фикрида амалдаги қонунларга ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиш нуқтаи назаридан қараганда шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини оёқ ости қилувчи, обрўни тўқувчи маълумотлар тушунилади.

Шу билан бирга, фуқаронинг ишдаги камчиликлари, жамоат ва иш жойларидаги ёки турмушдаги феъл-атворини танқид қилувчи, ҳақиқатга тўғри келадиган маълумотларни суд орқали рад этиш ҳақидаги талаблар асоссиз, деб топилиши мумкин. Яъни бундай даъво қановатлантирилмайди. Худди шундай шахснинг камчиликларини унинг ўзига шахсан айтиш (учинчи шахслар иштирокисиз) шаън, қадр-қимматни бузиш деб топилаётди. Бироқ бунда ҳақорат ёки тухмат аломатлари бўлмаслиги лозим.

Демак, шаън, қадр-қиммат ёки ишбилармонлик обрўсини бузилган, деб топиш учун ушар шарт комбинацияси — маълумот аниқ бадном қилувчи бўлиши, у тарқатилиши ва ҳақиқатга мос келмаслиги керак. Агар даъво талаблари ушбу шартларга жавоб берса, унда фуқаролик ишлари бўйича судда ютиб чиқиш имконияти юқори бўлади.

Бунда, тарқатиш деганда маълумотларни оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, хизмат таърифномаларида баён этиш, кўпчилик олдида сўзлаганда, мансабдор шахслар номига ёзилган аризаларда ёки бошқа, шу жумладан, оғзаки бўлса ҳам бир неча шахсга ёхуд бир кишига хабар қилиш тушунилади.

Қонун билан берилган яна бир ҳуқуқий ҳимоя қафолати даъво муддати билан боғлиқ. Қонунга кўра, умумий даъво муддати 3 йил. Аммо бу муддат шаън, қадр-қиммат ёки ишбилармонлик обрўсини ҳимоя қилишга нисбатан таътибқ этилмайди. Бошқача

чиқариш 4,1 фоиз ўсиб, 426 триллион сўмни ташкил қилгани, экспорт эса қарийб 2 миллиард долларга етгани, 152 минг гектар бог ва тоқзорлар барпо қилингани таъкидланди. Бундай рақамлар яқин тарихимизда ҳеч қачон бўлмаган. Жойларда бизнес муҳитини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар эвазига мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш имконияти вужудга келмоқда.

Йилдан-йилга сув танқислиги билан боғлиқ муаммолар кучайиб бориши-ю, унинг салбий таъсирини юмшатишга доир тарғибот тадбирларининг кенг қўламда амалга оширилиши натижасида хонадонларда муаммо ечимига оид амалий ташаббуслар кўзга ташланмоқда.

Шу туманда яшовчи Бобоёр Холбоев анча йиллар олдин томорқасидаги 3 сотих ерда иссиқхона ташкил этиб, оиласи учун қўшимча даромад манбан шакллантирган деҳқонлардан. Ўзоқ йиллар давомида кўчатларни фақат пойтахтдан олиб келган Бобоёр ака иссиқхонасини кенгайтириб, кўчатчиликни йўлга қўйиш, ўзи каби деҳқонларнинг огирини енгил қилиш иштиёқи билан ҳаракат қилди.

— Иланиш одамни ўз ишининг устаси қиларкан. Бошқа вилоятдан кўчат келтирганда, воҳа қилимини ҳисобга олиш кераклигини англадим. Кўчатчиликда устозларим — Тошкент шаҳридан. Улар кейинчалик ишимни келиб қўриганда, тўғри гап, биздан ҳам ўтиб кетибсан-ку, деб ҳайратланган, — дейди Бобоёр Холбоев.

Бугун унинг 33 сотихли иссиқхонасида 450 минг донна помидор, 100 минг бодринг, 100 минг булғор қалампир, 20 минг донна бақлажон нийоллари, 20 хилдаги 400 мингга яқин гул, 40 минг қовун-тарвуз кўчатлари парваришланмоқда. Ўзтиборли томони, бу ердан кўчат олаётганлар йиллар синовида тобланиб, бутун тажрибали мутахассисга айланган омилкор деҳқоннинг яқин маслакдошига айланаётгани ҳам бор гап.

Мухтасар айтганда, аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар самараси энг чекка манзилларга ҳам етиб борапти. Аввалгидек, фақат қозғода ва амалга оширилиши мавҳум лойиҳалар эмас, халқ ичидан олинган, амалиётдан ўтган ташаббуслар туфайли юқоридаги қаҳрамонларимиз каён деҳқон у миришкорларнинг “кетмони учган”.

Сарвар Тўраев,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Путур етказувчи маълумотлар деганда, айрим фуқаролар ёки жамоат фикрида амалдаги қонунларга ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиш нуқтаи назаридан қараганда шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини оёқ ости қилувчи, обрўни тўқувчи маълумотлар тушунилади.

айтганда, шахс ҳақида 20 йил олдин унга путур етказувчи маълумотлар тарқатилган бўлса ҳам, суд бундай ҳуқуқларни ҳимоя қилиш билан боғлиқ даъвони қўриб чиқиш учун қабул қилади ва рад етолмайди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасининг қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш бўлимида фуқароларда “кибергигиена”ни, жумладан, Интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, шунингдек, “Кибермаданиятни юксалтириш ойлиги”ни мунгазам ўтказиш белгилаб қўйилмоқда. Мазкур банд бевосита “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 87-мақсади, яъни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини инсон манфаатлари, қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунга келиб, инсон шаъни, қадр-қимматга нисбатан тажовузларнинг кўпайгани сабабли қонун билан уни жиноят қонунчилиги орқали ҳимоя қилишни кучайтириш эҳтиёжи тугилди. Шу боис, 2023 йил 11 апрелдан бошлаб шахс танасининг яланғоч ҳолдаги фото ёки видеоларини унинг розилигисиз (шу жумладан, Интернет орқали) тарқатиш ёки уларни тарқатиш билан қўрқитиш БҲМ 600 баробаригача жарима (204 миллион сўм) ёки бошқа жазолар қўлланилишига сабаб бўлиши белгиланди.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга кўра, хотинига ёки эрига, собиқ хотинига ёки собиқ эрига, бир рўзгор асосида биргаликда яшаётган шахсга ёки умумий фарзанда эга бўлган шахсга нисбатан ушбу шахслар соғлигининг ёмонлашувига олиб келган тарзда уларнинг шаъни

ва қадр-қимматини таҳқирлаш 10 суткагача маъмурий қамоқ қўлланилишига сабаб бўлади. Худди шу ҳаракатларни такроран содир этиш эса жиноий жавобгарликни келтириб чиқариб, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бошқа жазолар қўлланилишига асос бўлади.

Мавзуга доир хорижий тажриба ҳам эътиборга лойиқ. Сир эмас, Ўзбекистон қонунчилиги романо-герман ҳуқуқ оиласига мансуб бўлиб, Германия, Италия, Испания, Франция давлатлари қонунчилиги билан ўхшаш ҳисобланади. Ушбу давлатларда шаън ва қадр-қимматни таҳқирлаганик учун худди бизнинг қонунчилик каби фуқаровий ва жиноий жавобгарлик белгиланган.

Англоксон ҳуқуқ тизимида (АҚШ, Англия, Канада ва ҳ.к.) бу турдаги ишлар диффамация (лот. diffamatio, яъни тухмат қилиш) тушунчаси билан боғлиқ, бу турдаги ишлар кам учрайди. Масалан, АҚШда машхурлар кўпинча бундай даъво билан чиқишса-да, судда қийинчиликларга дуч келади. АҚШ Олий суди агар даъвогар жавобгарнинг “ёмон ниятларини” исботлай олмаса, унинг даъвоси рад этилишини кўрсатиб ўтган. Амалиётда эса бундай мақсадни исботлаш деярли имконсиз, ҳаттоки АҚШнинг энг бой миллиардерлари ҳам судда одатда ютқазиб қўяди.

Машхур француз ёзувчиси Пьер Бошен таъбири билан айтганда, шаън худди қимматбаҳо тошга ўхшайди: энг кичик доғ ҳам унинг ёрқинлигини маҳрум этади ва бутун қийматини туширади.

Умуман олганда, бу йилга мўлжалланган давлат дастури лойиҳасида белгиланган вазифаларни сифати ва ўз вақтида амалга ошириш инсонларнинг шаъни ва қадр-қиммати, юридик шахсларнинг ишбилармонлик обрўсига билиб-билмасдан бўлаётган таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Янгилик

ЁМФИР СУВИДАН БОЙ БЎЛАЁТГАН “ОРОЛ”ЛИКЛАР ЯШАШНИ БИЛАДИ

Термиз тумани мамлакатимиз жанубида жойлашган, икки давлат — Тожикистон ва Афғонистон билан чегарадош. Ўрта Осиёдаги энг серсув дарёлардан бири Амударёнинг Термиз яқинидан оқиб ўтар қисмида бир неча орол юзига келган. Дарё иккига ажралиб, маълум майдонда қуруқлик ҳосил қилиб, яна қўшилиб кетаверган. Бу оролларда одамлар яшаган. Улар асрлар давомида дарёдан аҳолининг у қирғоқдан бу қирғоққа ўтишига қўмаклашиб, қўноқлик жойидан фойда олиб кун кечирган. Ўтган асрнинг 50-60 йилларида қўшни давлат билан чегарада маълум мураккабликлар юзига келавергач, “орол”ликлар Термиз тумани ҳудудига қўчирилган ва маҳалла ҳам “Орол” номи билан аталган.

Бугун у тумандаги энг обод ва фаровон маҳаллалардан бири. Аҳолисининг суяги меҳнатда қотган, ишнинг кўзини билади. Туманда азалдан “Орол”ликлар яшашни билади, деган гап юради. Маҳалла аҳолиси бу таърифга меҳнати ортидан эришган. Маҳалла аҳли худуд имкониятидан келиб чиққан ҳолда, илгари асосан, чорвачилик билан шугулланган. Кейинги йилларда



қишлоқ хўжалигига қаратилаётган эътибор ортидан ўз томорқасида иссиқхона ташкил этиб, яхшигина даромад олаётганлар сони ҳам сезиларли даражада ошди.

Масалан, Акмал Ҳақимов 9 сотих ер майдонида иссиқхона ташкил этганди. Меҳнати ортидан ўзининг орзу-хавасларига етди. Яхшигина даромад топиб, уй-жой қилди.

Термиз туманида сув билан боғлиқ муаммо бор. Акмал Ҳақимов шу муаммони ўз кўрби ва қўбилияти билан енгиб ўтиб, кўпчиликка ўрнак бўлишга ҳам эришди.

Чилангарлик ва усталикдан хабари бор Акмалнинг ҳаловатини ўғирлаган услуб бутун обихаёт билан боғлиқ муаммо ечимида асқатяпти. У ерга сингиб кетадиган ёмғир сувидан самарали фойдаланиш бўйича тасаввурларини амалиётда, ўз томорқасида таътибқ этди. Масалан, бир соат ёққан ёмғирдан 8 минг литрлик ситимли ҳовузини тўлдириб,



томорқаси эҳтиёжига ишлатади. Шунинг ортидан иссиқхонада томчилатиб сўғориш технологиясини ҳам самарали йўлга қўйган.

— Томдан тушадиган сувни тўрт тонналик махсус ҳовузга йиғамиз. У бетон ариқ орқали иккинчи ҳовузга келиб тушади. Кейин иссиқхонага томчилатиб сўғоришга йўналтирилади. Бундай айланма услубдаги амалиётни маҳалладаги яна 5 та хонадонга қуриб бердим, — дейди Акмал Ҳақимов, — Ёмғир суви минералларга бой бўлгани учун помидор кўчатларини 3 мартагача ўғитсиз сўғораман.

Яқинда Президентимиз раислигида қишлоқ хўжалигида янги закираларни ишга солиш ҳамда 2024 йилги устувор вазибалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ўтган йили аграр соҳада ишлаб



Обод манзиллар



“БУ ҚАДАР ЎЗГАРИШЛАР БЎЛИШНИ ТАСАВВУР ҲАМ ҚИЛМАГАНДИК”

Тошкент туманининг 100 йилдан ортиқ тарихга эга Қир-ариқ маҳалласидаги йўлларни бугун таниб бўлмайди. Ёзда тупроқ, қишда лой бўладиган ўйдим-чуқур йўллар ҳозир равон, соз. 30-40 йилдан буён ҳам таъмирланмаган йўлларнинг бугунги ҳолати кишини қувонтиради.

Буларнинг барчаси маҳалла аҳли “Ташаббусли бюджет”да фаол бўлгани орқасидан амалга ошди. Қир-ариқликлар 2023 йилда икки марта “Ташаббусли бюджет” лойиҳасида энг кўп овоз тўплади ва маҳалла ободлигига йўл очилди.

— Тошкент туманида 70 та маҳалла бор. Кейинги йилларда ҳудудимизда кенг қўламли ўзгаришлар юз берди, — дейди туман ҳокими матбот қотиби Дилафрўз Исмоилова. — Жумладан, ўтган йилнинг ўзида туманимизда 93 та объектада қурилиш ишлари бажарилиб, шулардан 73 таси фойдаланишга топширилди. Учта янги богча, иккита маданият уйи ишга тушди. 107,2 километр ички йўл қурилди ва таъмирланди. Бундан ташқари, битта мактабга қўшимча бино қурилди. Кўп қаватли 17 та турар жой бунёд этилди. Бу ишларга жами 200 миллиард сўм сарфланди. Тумандаги кўп қаватли 30 та уйга хизмат кўрсатувчи “Иссиқликманбаи” Келес филиалининг марказий қозонхонаси реконструкция қилиниб, хориждан келтирилган замонавий иситиш тизимлари ўрнатилди.

Қир-ариқликларнинг айтишича, Қир-ариқ ва Эъзоз маҳалларида тоза ичимлик сув умуман бўлмаган. Одамлар сувни олисдан ташиб ичган.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 2 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган Эъзоз маҳалласига ичимлик сув қувури тортилд.

Маҳалланинг Фурқат кўчасида яшовчи, 13 негара ва 5 эваранинг бувиси Мавлуда Эшонқулова 74 ёшда.

— Шу ёшимгача сувни олисади ҳовуздан ташиб ичардик, — дейди онахон. — Энди эса хонадонимизгача қувур тортилд. Одамларимизнинг қувончини кўрсангиз. Чунки улар сувнинг қадрини билади.

240 мингдан зиёд аҳоли яшайдиган мазкур туманинг кундан-кунга янгиланиб, чирой очиб боришда “маҳалла еттичилиги”нинг ҳам хизматлари бор.

— Йўллар таъмиртабалиги, ичимлик сув танқислиги, электр энергияси билан боғлиқ муаммолар йиллар давомида фуқароларни қийнаб келгани рост, лекин энди ҳаммаси бутунлай бошқача, — дейди “Эъзоз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шухрат Шоюнусов. — Қисқа муддатларда маҳаллаларимизнинг қиёфаси янгиланди, муаммолар жойида ижобий ечим топмоқда. Ўзимиз ҳам жуда қисқа вақтда бу қадар ўзгаришлар бўлишини тасаввур қилмагандик.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



Отабек БОЗОРОВ,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори

Бошланиши 1-бетда

Лекин халқимиз тарихининг кейинги асрларида содир бўлган мустамлакачилик, миллий фазилатларнинг “қоқоқлик”, “маданиятсизлик кўрсаткичи”, “эскилик сарқити” дея қадрсизланиши юқоридаги тушунчаларни ўзбек мактаби дарсликлари матнidan сиқиб чиқарди. Натижада миллий фазилатларни англатувчи тушунчалар бошқа тилдаги сўздек, тушунарсиз қолаверди.

Мисол тариқасида ёзувчи Иброҳим Раҳимнинг кузатувларидан бир парча келтирсак: “... Кўпгина ёшларимиз инсоф нималигини билиш у ёқда турсин, бу сўзнинг ўзини ҳам эшитмагандек, тушунмайди.

Эски ҳовлимизнинг рўпарасидаги ўрта мактабнинг тўполончи ўқувчиси ўзидан кичик болани дўппослаганида қўлидан ушлаб, “Инсофнинг борми, ўзингдан кичик болани урасанми?”, десам, анқайиб қолди. Шундан кейин бошқа бир неча боладан ҳам сўрадим. “Бунақа мавзунини ўтганимиз йўқ”, деб жавоб қилишди. Шу воқеадан кейин бошқа инсоф дарсини ўтиш керак шекилли, деган хулосага келдим.

Инсофни бўлиш ҳақида на уйда, на мактабда ва на атрофдагилардан таълим олмаган айрим ёшлар инсофсизлик қилиб қўйганини ўзлари англамаяпти, англаса ҳам унинг хунук оқибати — гуноҳи тўғрисида мутлақо ўйламаяпти”.

Бу ҳолат ўзбек ёшларини “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”дан жой олган, инсоний фазилатлар, анъана ва урф-одатларни ифодалови 1,5 мингдан ортиқ сўзлар (масалан, одамгарчилик, инсоф, виждонлилик, меҳрибонлик ва ҳоказо) билан махсус таништириб боришни тақозо қилади. Акс ҳолда, бу сўзларнинг истеъмолдан чиқиб кетиши, натижада инсонларда шу ном билан аталувчи фазилатларнинг йўқолиб бориши хавфи кучайиши эҳтимолдан холи эмас.

Биз миллий феъл-авромимиз — характеримизни ўзгартиришимиз, яъни тараққий эттиришимиз лозим.

Биз ахборот бозоридамиз

Бу нима дегани? Бу ахборот сония, дақиқа, соат, кун сайин ўзгариб, янгиланиб туришини англатади. Айни пайтда ёшларимиз, халқимизни ўзимиз ахборот билан қамраб олмасак, бошқалар қамрайди, эгаллайди, дегани.

Яқинда Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йигилишига тайёргарлик доирасида тарғибот-ташвиқот ишларининг сифати ва аҳоли қандай қамраб олинаётгани таҳлил этилди. Очигини айтганда, иш бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Бунга сабаб, **тарғиботда анъанавий, оффлайн, яъни жойларга бориб, фақатгина тadbирларга таклиф қилинган 30-40 кишининг олдида маъруза қилиб, қўшиқ айтиш етакчилик қилмоқда.**

Биз фаоллар залида 100 кишини тўплаб анъанавий тadbир ўтказётган пайтда Facebook, Instagram, YouTube, TikTok



Эски ҳовлимизнинг рўпарасидаги ўрта мактабнинг тўполончи ўқувчиси ўзидан кичик болани дўппослаганида қўлидан ушлаб, “Инсофнинг борми, ўзингдан кичик болани урасанми?”, десам, анқайиб қолди. Шундан кейин бошқа бир неча боладан ҳам сўрадим. “Бунақа мавзунини ўтганимиз йўқ”, деб жавоб қилишди. Шу воқеадан кейин мактабларда инсоф дарсини ўтиш керак шекилли, деган хулосага келдим.

Долзарб мавзу

ҒОЛИБ ТАРҒИБОТНИНГ ТУҒУ ТУҒРОСИ

каби ижтимоий тармоқларда 100 минглаб (балки миллионлаб) ёшлар “тарбияланмоқда”.

Бу эса бугун маънавий-маърифий соҳадаги энг катта хавф ва бўйшиқ ҳам шу ерда эканини кўрсатмоқда. Ачинарлиси, ёшларнинг баъзилари янгича нуқтан назарга нисбатан жуда тоқатсиз. Илмни пеш қилиб диндорлар ҳис-туйғусини камситиш ёки айрим диний воизлардан таъсирланиб, дунёвийликни менсимаслик ҳолатлари учрамоқда.

Чунки аксарият ёшлар асосий бўш вақтини ижтимоий тармоқлар, виртуал ахборот майдонида ўтказётган бир пайтда бизда улар билан ана шу йўналишда самарали ишлаш тизими мавжуд эмас.

Бузғунчи тарғибот нима қияпти?

Улар ўтирган жойида ватандошларимизнинг миллионлаб кўриш (“просмотр”)ларига, ҳатто мактов (“лайк”)ларига эришяпти. Энг ачинарлиси, маҳаллий сайтларда ҳам ёшларнинг онги, руҳияти, ахлоқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи материаллар жойлаштирилмоқда.

Биздаги онлайн, рақамли тарғибот ёшлар, аҳоли қалбига чуқур кириб бора олмаяпти. Ваҳоланки, бизда юз минглаб оффлайн ва онлайн тарғибот армияси бор.

Нега бизнинг медиа маҳсулотларини кўраётган аудитория ўртача 10-20 мингдан ошмаяпти? Ҳозир медиа майдонга қарасангиз, ёшларни бузишга, миллий қадриятларимизни обрўсизлантиришга, миллий маданиятимизни, тилимизни қадрсизлантиришга қаратилган таҳдидларни ҳам кўраимиз. Улар асосан, рақамли технологиялар асосида амалга ошириляпти.

Бу ҳолатлар мамлакат ижтимоий-маънавий муҳити барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи бузғунчи ғоя ва таҳдидларга қарши янгича ёндашувларни шакллантириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ижтимоий тармоқларни эгаллай оламизми?

Ҳа, албатта. Масалан, пойтахтнинг ўзидан тарғиботда фойдаланишимиз мумкин бўлган 10 та телеканал ва 3 та радиоканал мавжуд. Шу билан бирга, 45 та сайт ва 100 дан ортиқ телеграм канали, 15 та расмий журнал ва 15 та расмий газета бор.

Буларнинг имкониятидан бемалол фойдаланишимиз мумкин-ку!? Қолаверса, уларнинг ўзи шу мақсадга хизмат қилиш учун ташкил этилган.

Шу билан бирга, тарғибот воситаси сифатида:

- оммавий ахборот воситалари (телевидение ва радио, журнал ва газеталар, расмий интернет сайтлари);
- ижтимоий тармоқлар (Telegram, Facebook, Instagram, YouTube, Odnoklassniki, TikTok);
- тарқатма материаллар (буклет, флаер, плакат — деворий лавҳа, табрикнома ва таклифномалар);
- босма ва электроник мониторлар (транспорт ва бекатлар, кўча, бозор ва дўконлардаги монитор; барча турдаги баннерлар);
- китоб, ўқув қуроллари ва анжомлари, ҳунармандчилик маҳсулотлари;
- маҳсулотни қадоклаш материаллари;
- оммавий тadbирлар (концертлар, умумхалқ байрамлари ва давлат рамзлари



бўйича тadbирлар, маърифат соатлари, ишлаб чиқариш йигилишлари, маънавий-маърифий тарғибот тadbирлари ва танловлар, тўйлар ва бошқа маросимлар, барча турдаги марафонлар, спорт-соғломлаштириш тadbирлари)дан ҳам унумли фойдаланиш мумкин.

Ана шу воситалардан ягона бир тизим асосида унумли ва самарали фойдаланиш мумкин ва зарур.

Масалан, “Болажон” телеканалда “Фазилатнома”, “Нурафшон” телеканалда

энг асосий вазифа — ҳозирги тезкор ахборот майдонида маънавий-маърифий тарғиботни қандай қилиб замонавийлаштириш, жадаллаштириш мумкин, деган саволга жавоб топишдан иборат бўлиб турибди.

Аввало, миллий контент сифатини янада яхшилаш, таълим, илмий-маърифий ёшлар эҳтиёжларига мос замонавий ахборот ресурсларини яратиш ва тарғиб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш керак.

Ўзбекистон мафкура майдонини “Рақамли тарғибот” билан тўлдириш учун

Нега бизнинг медиа маҳсулотларини кўраётган аудитория ўртача 10-20 мингдан ошмаяпти? Ҳозир медиа майдонга қарасангиз, ёшларни бузишга, миллий қадриятларимизни обрўсизлантиришга, миллий маданиятимизни, тилимизни қадрсизлантиришга қаратилган таҳдидларни ҳам кўраимиз. Улар асосан, рақамли технологиялар асосида амалга ошириляпти.

“Тарихга муҳрланган сўзлар”, “Кино-театр”да “Театр — ибратхонадир”, “Маданият ва маърифат”да “Истиқболли авлод”, “Маҳалла”да “Мўъжазгина ватаним”, “Спорт” телеканалда “Бетақор тўйгулар” ҳамда “Ёшлар” телеканалда “Бахт қасри” кўрсатувларини тайёрлаб, доимий эфирга узатишни йўлга қўйса бўлади.

Шу каби “Маҳалла” радиоканалида “Қулоққа чалинган гаплар”, “Она тупроқ” ва “Маҳалла нима дейди?”, “Ёшлар”да “Менда фикр бор”, “Тўхтаб қолма”, “Ўзбекистон” радиоканалида “Ўлан тўшак” ва “Педагог минбари” каби эшиттиришларни ташкил қилиш яхши самара бериши шубҳасиз.

Худди шу сингари вазирлик ва идораларнинг ижтимоий тармоқлардаги канал ва сайтларида маънавий-маърифий ишлар ҳақида “Виждон иши”, “Бир мақол шарҳи”, “Оламни маҳлиё айлаган диёр”, “Ўзбегим, ўзлгим”, “Элга манзур”, “Тараққиёт тим-соллари” ва “Ватанини севish масъулияти” каби мавзуларда руқн очиш мумкин.

Ёки тарғибот ишларини амалга ошириш учун тарғиботчи етишмайдими? Бу масалада ҳам муаммо йўқ. Мамлакатда бугун расман маънавият учун масъул ҳодимлар сони 40 мингдан ортиқни ташкил этади.

Аммо ҳали маърифий тарғибот борасидаги вазифаларни умумий ишга айлантира олмаяпмиз. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Вазирлик ва идоралар ўртасида мазкур масала бўйича ижтимоий ҳамкорлик сезилмаяпти.

Маънавий-маърифий тарғибот ишларини фақат Республика Маънавият ва маърифат маркази қилади, деган одам адашди, дея бежизга таъкидламади давлатимиз раҳбари. Шу маънода, соҳага масъул бўлган идора ва ташкилотларнинг олдида турган



фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Уларга соҳада эришилган энг муҳим ютуқлар тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаб бериш керак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган рақамли тарғибот маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш мақсадида вазирлик ва идораларга тегишли барча сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига бегараз жойлаштириб борилишини йўлга қўйиш ҳам қамровни кенгайтиришга ёрдам беради.

Хорижий давлатларнинг ахлоқий тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот йўналишдаги сиёсати ва илгор тажрибасини ўрганиш бўйича ижодий сафарлар ташкил этиб, 2024-2026 йилларга мўлжалланган алоҳида режа-жадвал ишлаб чиқиш керак.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк давлат арбоблари, саркардалар, дунё илм-фанига катта ҳисса қўшган аломаларнинг ибратли ҳаёт йўли, бой илмий меросини

нималар қилиш зарурлигини белгилаб олиш лозим.

Нималарга эътибор қаратиш керак?

Аввало, ҳар бир тарғибот материали фуқароларнинг ёшига мос ҳолда — бола-ларга, ёшларга, ўрта ёшлиларга алоҳида-алоҳида тайёрланиши зарур.

Ижтимоий тармоқларда (Telegram, YouTube, Instagram, Facebook, Odnoklassniki) салбий тенденцияларга барҳам беришга қаратилган тарғибот-ташвиқот каналларини очиш ҳамда тарғибот материалларини тайёрлаб, уларни оммалаштириш мақсадида жойбадор ва қизиқарли дастурларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маънавий йўналишларимиз иқтисодий йўналишлардан ўн қадам олдинда юриши керак. Ана шунда биз ҳозирда қилаётган катта-катта режаларимиз, дастурларимиз амалга ошади.

Маънавий-маърифий тарғибот ишлари бўйича ҳар бир вазирлик ва идора томонидан бажарилиши лозим бўлган аниқ вазифалар белгилаб олиниши талаб этилади. Шунингдек, ҳамкор ташкилотлар нотиклик ва лидерлик қобилиятига эга ёшлар, иқтидорли талаба ва докторантлар, давлат стипендиатларидан иборат тарғибот гуруҳларини ташкил қилиб олиш зарур.

Ислохотлар тарғиботида тарғиботчи сифатида иштирок этадиган соҳанинг салоҳиятли ва нотиклик қобилиятига эга мутахассислари рўйхатини шакллантириб, улардан тарғибот ишларида самарали

фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Уларга соҳада эришилган энг муҳим ютуқлар тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаб бериш керак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган рақамли тарғибот маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш мақсадида вазирлик ва идораларга тегишли барча сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига бегараз жойлаштириб борилишини йўлга қўйиш ҳам қамровни кенгайтиришга ёрдам беради.

Хорижий давлатларнинг ахлоқий тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот йўналишдаги сиёсати ва илгор тажрибасини ўрганиш бўйича ижодий сафарлар ташкил этиб, 2024-2026 йилларга мўлжалланган алоҳида режа-жадвал ишлаб чиқиш керак.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк давлат арбоблари, саркардалар, дунё илм-фанига катта ҳисса қўшган аломаларнинг ибратли ҳаёт йўли, бой илмий меросини

фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Уларга соҳада эришилган энг муҳим ютуқлар тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаб бериш керак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган рақамли тарғибот маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш мақсадида вазирлик ва идораларга тегишли барча сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига бегараз жойлаштириб борилишини йўлга қўйиш ҳам қамровни кенгайтиришга ёрдам беради.

Хорижий давлатларнинг ахлоқий тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот йўналишдаги сиёсати ва илгор тажрибасини ўрганиш бўйича ижодий сафарлар ташкил этиб, 2024-2026 йилларга мўлжалланган алоҳида режа-жадвал ишлаб чиқиш керак.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк давлат арбоблари, саркардалар, дунё илм-фанига катта ҳисса қўшган аломаларнинг ибратли ҳаёт йўли, бой илмий меросини

фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Уларга соҳада эришилган энг муҳим ютуқлар тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаб бериш керак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган рақамли тарғибот маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш мақсадида вазирлик ва идораларга тегишли барча сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига бегараз жойлаштириб борилишини йўлга қўйиш ҳам қамровни кенгайтиришга ёрдам беради.

Хорижий давлатларнинг ахлоқий тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот йўналишдаги сиёсати ва илгор тажрибасини ўрганиш бўйича ижодий сафарлар ташкил этиб, 2024-2026 йилларга мўлжалланган алоҳида режа-жадвал ишлаб чиқиш керак.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк давлат арбоблари, саркардалар, дунё илм-фанига катта ҳисса қўшган аломаларнинг ибратли ҳаёт йўли, бой илмий меросини

фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Уларга соҳада эришилган энг муҳим ютуқлар тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаб бериш керак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган рақамли тарғибот маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш мақсадида вазирлик ва идораларга тегишли барча сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига бегараз жойлаштириб борилишини йўлга қўйиш ҳам қамровни кенгайтиришга ёрдам беради.

фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Уларга соҳада эришилган энг муҳим ютуқлар тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаб бериш керак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган рақамли тарғибот маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш мақсадида вазирлик ва идораларга тегишли барча сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига бегараз жойлаштириб борилишини йўлга қўйиш ҳам қамровни кенгайтиришга ёрдам беради.

Хорижий давлатларнинг ахлоқий тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот йўналишдаги сиёсати ва илгор тажрибасини ўрганиш бўйича ижодий сафарлар ташкил этиб, 2024-2026 йилларга мўлжалланган алоҳида режа-жадвал ишлаб чиқиш керак.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк давлат арбоблари, саркардалар, дунё илм-фанига катта ҳисса қўшган аломаларнинг ибратли ҳаёт йўли, бой илмий меросини

фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Уларга соҳада эришилган энг муҳим ютуқлар тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаб бериш керак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган рақамли тарғибот маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш мақсадида вазирлик ва идораларга тегишли барча сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига бегараз жойлаштириб борилишини йўлга қўйиш ҳам қамровни кенгайтиришга ёрдам беради.

Хорижий давлатларнинг ахлоқий тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот йўналишдаги сиёсати ва илгор тажрибасини ўрганиш бўйича ижодий сафарлар ташкил этиб, 2024-2026 йилларга мўлжалланган алоҳида режа-жадвал ишлаб чиқиш керак.

Юртимиздан етишиб чиққан буюк давлат арбоблари, саркардалар, дунё илм-фанига катта ҳисса қўшган аломаларнинг ибратли ҳаёт йўли, бой илмий меросини

фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Уларга соҳада эришилган энг муҳим ютуқлар тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаб бериш керак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган рақамли тарғибот маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш мақсадида вазирлик ва идораларга тегишли барча сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига бегараз жойлаштириб борилишини йўлга қўйиш ҳам қамровни кенгайтиришга ёрдам беради.

Хорижий давлатларнинг ахлоқий тарбия ҳамда тарғибот-ташвиқот йўналишдаги сиёсати ва илгор тажрибасини ўрганиш бўйича ижодий сафарлар ташкил этиб, 2024-2026 йилларга мўлжалланган алоҳида режа-жадвал ишлаб чиқиш керак.


Юртимиздан етишиб чиққан буюк давлат арбоблари, саркардалар, дунё илм-фанига катта ҳисса қўшган аломаларнинг ибратли ҳаёт йўли, бой илмий меросини

фойдаланиш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Уларга соҳада эришилган энг муҳим ютуқлар тўғрисидаги тарғибот материалларини тайёрлаб бериш керак.

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ишлаб чиқилган рақамли тарғибот маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш мақсадида вазирлик ва идораларга тегишли барча сайтлар ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига бегараз жойлаштириб борилишини йўлга қўйиш ҳам қамровни кенгайтиришга ёрдам беради.



“Яшил” энергетика

САЛКАМ ТЎҚСОН ЙИЛЛИК
УСКУНАЛАРиш унумдорлигига катта
таъсир кўрсатарди, энди-чи?

Бўзсув ариги Чирчиқ дарёсининг ўнг тармоғи. Сувини икки жойдан — Бўзсув-Зах бош тармоғи ҳамда Чирчиқ шаҳри Бўзсувбоши маҳалласи яқинидан олади. Ҳозирги кунда Тошкент худудида Бўзсувдан 25 дан ортиқ тармоқ чиқарилган. Бўзсувнинг Юнусобод туманидаги Хайвонот боғи рўпарасидан ўтган қисмида қурилган гидроэлектр станция юз билан юзлашган. Бўзсув ГЭС-1 Ўзбекистонда бунёд этилган илк шундай иншоотдир. Унинг қурилиши 1923 йилда бошланган ва халқ ҳашари билан 1926 йилда ниҳоясига етказилган.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

— Ушбу ГЭСнинг дастлабки қуввати 4 МВт бўлса-да, узоқ йиллар давомида эксплуатация қилинган сабабли 2 МВтга пасайиб қолган эди, — дейди “Бўзсув ГЭСлар каскади” унитар корхонаси раҳбари Дилшод Хайруллаев. — Ўтган йили модернизация ишлари якунига етказилгандан сўнг иншоотнинг энергетик қуввати 6 МВт ва йилга ўртача 44,4 миллион кВт-соатни ташкил этмоқда. Каскадимиз тўртта кичик гидроэлектр станциядан иборат. Унинг учинчиси ҳам модернизация қилиниб, қувватига қувват қўшилди. Умуман, айни пайтда ягона тизимча 198,3 миллион кВт-соат электр энергияси етказиб берамиз.

2020 йилда Чирчиқ-Бўзсув сув-энергетик трактидаги Учинчи Қодирия ГЭСида, “Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади” унитар корхонаси таркибидagi 14-иншоотдаги ангилашлар туфайли уларнинг қуввати янада ошди. Чунки 87 йил мобайнида баҳоли қудрат ишлаб келатган ГЭСнинг 4 та агрегати самарадорлигини йўқотиб, таъмирга муҳтож бўлиб қолган. Бу ерда 2017 йил декабрь ойида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Қарийб уч йил мобайнида инвестициявий лойиҳалар асосида босқичма-босқич модернизация қилинди. Модернизациядан кейин ГЭСнинг умумий қуввати 15,34 МВтга етди, йиллик ўртача электр энергияси ишлаб чиқариш кўрсаткичи 124 миллион кВт-соатни ташкил этапти.

— “Қуйи Бўзсув ГЭСлар каскади” унитар корхонаси таркибидagi 14-иншоотдаги электр қурилмалари 75 йилдан ортиқ вақт мобайнида моддий ва маънавий жиҳатдан эскириб, кейинги йилларда ишламай қолган эди, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ матбуот хизмати раҳбари Равшан Бойкулов. — Модернизация натижасида станцияда 1 та қурилма ўрнига ҳар бирининг қуввати 7,5 МВтдан, умумий қуввати 15 МВтга тенг 2 та гидроагрегат ўрнатилди. Йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш миқдори 90,1 миллион кВт-соатни ташкил этди ва уч йилдан ортиқ вақт мобайнида 50-60 мингта яқин хонадоннинг электр энергиясига эҳтиёжини қоплаб келяпти.

Тошкент ГЭСлар каскадининг 9-гидроэлектр станциясида ҳам ангилаш ишлари бажарилди. Бу ҳар куни Тошкент вилоятидаги 60-70 мингта яқин хонадонни электр энергияси билан таъминлашга замин яратди.

Бўзсув ГЭС-1нинг эски биноси ёнида қад ростлаган янги станцияда турдош “бобо”-лари савлатига қараганда анчайин кичик, лекин қуввати юқори замонавий агрегатлар ўрнатилди. Аввалгилари механик тарзда бошқарилган бўлса, янгилари компьютерлар ёрдамида инсон омилисиз туну кун ишлайди. Каскад таркибидagi ГЭСларнинг фаолияти ҳам шу ердан кузатиб борилади ва бошқарилади. Қанча электр ҳосил қилаётгани, ҳар бир агрегат қандай маромда ишлаётгани экранда кўриниб туради.

Айни кунда бу ерда бўлсангиз, қарийб юз йил давомида электр қуввати етказиб берган йирик агрегатларни кўришингиз мумкин. Улар охириги пайтлар қандай ишлаган бўлса, шундайлигича саклаб қолingan. Мутахассисларнинг айтишича, уларга сув оқимини йўналишини билан электр қуввати ишлаб чиқаришни бошлайди. Гидроэнергетика соҳасида тахсил олаётган ёшлар, умуман, ҳодимлар учун бу жонли тарих. Шу боис, бу ерни музейга айлантириш таклифи илгари сурилмоқда.

Яна бир тарихий иншоот — Фарҳод гидроэлектр станцияси. Унинг қурилиши Иккинчи жаҳон урушининг энг оғир даврларига тўғри келган. Қизиги шундаки, 1- ва 2-агрегатлар эскиргани боис, 1960 йил май

ва август ойларида Германиядан келтирилган 30 минг кВтгача кучлироқ янги қурилмалар билан алмаштирилади. Ўша пайтда ГЭСнинг умумий қуввати 126 минг МВтга тенг бўлган. Лекин йиллар ўтиши билан мавжуд қувват (1- ва 2-гидроагрегатлар 22 МВтдан, 3- ва 4-гидроагрегатлар 30 МВтдан) 104 МВтга тушиб қолган эди.

Узоқ йиллар доимий эксплуатация қилиниши туфайли ГЭСдаги қўлпаб ускуналар ишда ҳамда технологик жараёнлар ҳисобга олиниб, иншоотни модернизация ва қайта техника жиҳозлаш ишлари бажарилди. Бунинг учун 58,27 миллион евро йўналтирилди. 2019-2020 йилларда 3- ва 1-гидроагрегатлар, 2021-2022 йилларда 4- ва 2-гидроагрегатлар тўлта янгиланди. Натижада жами қувват 128,2 МВтга етди. Шу тариха Фарҳод ГЭСи ўтган йил октябрь ойи бошида янги куч ва юқори қувват билан ишлай бошлади.

Одатда модернизация жараёнида машиналар, дастгоҳлар, ишлаб чиқариш қурулларни ҳамда технологик жараёнлар янгиланади. Бироқ илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиялар ривожига туфайли жамият ҳам тараққиётнинг муайян босқичидан янада такомиллашган поғонага ўтади. Фалсафий тақонда ифода этганда, микдор ўзгаришлари туб сифат ўзгаришларига айланади. Ўзбекистонда гидроэнергетика соҳасида амалга оширилган ва оширилаётган лойиҳалар ҳам айнан шу мақсадларга қаратилган.

Сурхондарё
томонларда

Ўтган йили мамлакатимиздаги энг йирик Чорвоқ ГЭСидан кейинги ўринда турувчи — модернизациядан сўнг қувватлари янгиланган Тўпаланг ГЭСи фойдаланишга топширилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Сурхондарё вилояти Қизилқ

Ҳозир тўғоннинг бандлиги 185 метр, узунлиги 410 метр, устки қисмининг эни 10 метрдан иборат.

— Давлатимиз раҳбари 2019 йил баҳорда иншоотдаги модернизация жараёни билан танишар экан, станцияда навбатдаги иккита янги гидроагрегат қуриш юзасидан кўрсатма берганди, — дейди “Тўпаланг гидроэлектр станцияси” унитар корхонаси раҳбари Асрор Улугов. — Станцияни модернизация қилиш инвестиция лойиҳаси ижроси бўйича ишлар 2020-2023 йиллар давомида бажарилди. Унинг қиймати 84,4 миллион АҚШ доллари-га тенг бўлиб, шундан 46,1 миллион доллари ўз маблағимиз, 38,3 миллион доллари давлат кафолати остидаги кредитлар ҳиссасига тўғри келди.

Шу асосда ҳар бири 72,5 МВтдан иборат бўлган икки агрегат ўрнатилди. Ўтган йилнинг март ойидан қўшимча 145 МВт “яшил” энергия ишлаб чиқарила бошланди. Бошқарув тўлиқ автоматлаштирилди ва инсон омилисиз ишлайдиган “ақли” тизим жорий этилди.

Умуман, Тўпаланг дарёсида Тўпаланг ГЭС ҳамда унинг қуйи қисмида жойлашган ва фаолият юритаётган Зарчоб-1 ва Зарчоб-2 ГЭСлари билан мавжуд қувватлар 251 МВтга, ўртача йиллик ишлаб чиқариш 667 миллион кВт-соатга етди. Бунинг ҳисобига қўшимча қарийб 890 минг аҳолини электр энергияси билан таъминлаш баробарида йиллик 180 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилиш имконияти вужудга келди.

— Лекин бу кўрсаткичлар дарёнинг гидроэнергетика салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилганлиги, дегани эмас, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси Абдугани Сангинов. — Чунки яна қўшимча қувватлар қуриш мумкин. Шу сабабли жамиятимиз томонидан бугунги кунда дарёнинг қуйи қисмида 16 МВтли Зарчоб-3 гидроэлектр-

Ўтган йили умумий қуввати 75 МВт, йиллик электр салоҳияти 300 миллион кВт-соатга тенг “Сурхондарё вилояти Тўпаланг дарёсида Мизот ва Киштут ГЭС қурилиши” лойиҳаси доирасида 17,3 километр автоўл қурилди, оғир техника учун 10,6 километр йўл очилди ва лойиҳанинг геологик қидирув ва гидрогеология ишларига киришилди.

Соҳа мутахассислари ҳулосасига кўра, Тўпаланг сув омборидаги сув экологик тоза, ичишга яроқли ҳамда таркибий жиҳатдан инсон организм учун қатор фойдали минералларга бой. ГЭСлар агрегатини айлантирган сувлар ҳам табиий жиҳатдан тозаланишни йўқотмайди. Бу хусусиятлар, ўз навбатида, Сурхондарё вилояти аҳолиси учун муҳим



бўлган яна бир ўта йирик ижтимоий лойиҳани татбиқ этиш имконини берапти.

Президентимизнинг Тўпаланг сув омборидан ичимлик сув тармоғи тортиш тўғрисидаги кўрсатмасига мувофиқ, айни кунларда вилоятнинг 11 та туманида амалий ишлар авжйда. Бу жуда мураккаб лойиҳа бўлиб, даставвал Тўпаланг сув омборининг қуйи қисмида босимни сўндириш, сувни тозалаш ва тарқатиш иншоотларини қуришга тўғри келяпти. Шундан сўнг сув аввал асосий иншоотга қўйилади, кейин эса магистрал қуввурга узатилади. Яъни сув омборидан туманлардаги сув тақсимлаш тармоқларигача жами 361 километр қувур тортилади. Бунинг натижасида Сарисоё, Денов, Шўрчи, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Бандихон, Қизилқ, Шеробод, Ангор, Музработ, Термиз туманлари ва Термиз шаҳридаги жами 1,7 миллион аҳолининг сув таъминоти яхшиланади.

Ҳамкорлик
истиқболлари

Яқинда Президентимизнинг Хитойга давлат таширфи доирасида “Ўзбекгидроэнерго” АЖ делегацияси мазкур мамлакатнинг қатор ҳамкор молиявий муассасалари ҳамда йирик энергетик компаниялари вакиллари билан учрашувлар ўтказди. Хусусан, “China National Technical Import and Export Corporation” (CNTIEC), нуфузли “Синосуе” суғурта компанияси, CNTIEC банк ва Эксимбанк раҳбарияти билан мулоқотларда ўзаро ҳамкорликдаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича манфаатли келишувларга эришилди. Булар орасида “Катта Андижон каналида кичик ГЭСлар каскади қуриш (Қугай-1 (6,3 МВт), Қугай-2 (3,1 МВт), Бешқўрғон ГЭС (2,6 МВт))” лойиҳаларини молиялаштириш масалалари бор.

Шунингдек, “Dong Fang”, SMEK, “Zhejiang Jinlun Electromechanic”, “Bank of China Limited” компаниялари раҳбарияти билан музокаралар чоғида “Сурхондарё вилояти Тўпаланг дарёсида Зарчоб-3 ГЭСи қурилиши” инвестиция лойиҳасига доир

Дастлабки
ўрганишларга кўра,
юртимиздаги гидроэнергетика
салоҳияти **8 минг МВтни**
ташкил қилад. Лекин
ҳозир бунинг **2200 МВти**
ишлатилмоқда, холос. Соҳага
хорижий инвестиция ва хусусий
секторни жалб қилиб, 2030 йилга
қадар жами қувватларни
6 минг МВтга етказиш
белгиланган.

молиявий-иқтисодий масалалар, кредит келишуви, Хитойдан зарурий асбоб-ускуналар ҳамда технологик қурилмаларни етказиб бериш борасидаги ишлар муҳофизат марказида бўлди.

“China Southern Power Grid International” (Жанубий Хитой электр тармоқлари) давлат энергетика компаниясидир. У 2002 йилда ташкил этилган, бош қароргоҳи Гуанчжоу шаҳрида жойлашган, электр энергияси ишлаб

Президентимизнинг 2018 йил 28 ноябрдаги қарори доирасида Франция тараққиёт агентлиги билан ҳамкорликда иккита кичик ГЭС қурилиши ҳамда Чорвоқ ГЭСи фаолияти хавфсизлигини ошириш лойиҳаларини молиялаштириш учун 20 йил муддатга 55,8 миллион еврога тенг лойиҳа ўз самарасини бера бошлади.

Гидроэнергетика соҳасида халқаро ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Хусусан, Жанубий Кореянинг “Tae-Chang NET Co” компанияси билан Тошкент ва Самарқанд вилоятларида жойлашган, умумий қуввати қарийб 30 МВт бўлган бешта гидроэлектр станцияни модернизация қилишда иштирок этиш лойиҳаси устида ишланяпти. Компания гидроэлектр станцияни модернизация қилишининг техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишни бошлади.

Энг арзон таннарх
шу тизимда

Гидроэлектр станциялар кунлик энергияни барқарор таъминлашда энг самарали манба. Улардан олинadиган электр таннархи ҳам бошқа манбаларга нисбатан анча арзон. Шу боис, соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратиляпти. Кейинги олти ярим йил ичида мамлакатимизда ГЭСларнинг умумий сони 2017 йилдаги 37 тадан 58 тага ҳамда уларнинг ишлаб чиқариш қуввати 1856 МВтдан 2233 МВтга етказилди, қўшимча қарийб 400 МВт қувват яратилди.

Дастлабки ўрганишларга кўра, юртимиздаги гидроэнергетика салоҳияти 8 минг МВтни ташкил қилад. Лекин ҳозир бунинг 2200 МВти ишлатилмоқда, холос. Соҳага хорижий инвестиция ва хусусий секторни жалб қилиб, 2030 йилга қадар жами қувватларни 6 минг МВтга етказиш белгиланган. Бунинг учун ҳуқуқий, иқтисодий шароитлар яратилган. Жумладан, кичик ва микроГЭСлар қуриш истигидаги тадбиркорларга ерни 20 йилга ижарага бериш, улар ишлаб чиқарган электрнинг давлат томонидан кафолатли сотиб олиш тизими жорий қилинган.

— Давлатимиз раҳбари ўтган йил 31 октябрь куни ўтказган йилгилида гидроэнергетика соҳасидаги лойиҳаларнинг ҳозирги ҳолати муҳофизат қилинган эди, — дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқаруви раиси Абдугани Сангинов. — Унда 2030 йилни кутмасдан, 2024-2028 йилларда гидроэнергетика қувватини 6 минг МВтга (2,7 баробар), ўртача йиллик ишлаб чиқариш 7 миллиард кВт-соатдан 17 миллиард кВт-соатга етказиш бўйича 5 йиллик дастур ишлаб чиқиш ва бунинг учун соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилиш зарурилги таъкидланди. Толдиқсой, Муллалак, Қоронги тўғай, Юқори Пском ҳамда Норин йирик ГЭСларини қуриш лойиҳалари доирасида эса техник-иқтисодий асослар ишлаб чиқишни яқунлаш ва хорижий инвесторларни жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергия манбалари, жумладан, кўш станцияларининг кенг қўламда қурилиши ҳисобига энергетика тизимида рустловчи қувватларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўш, шамол ва энергия ҳосил қилувчи бошқа манбалар муайян бир вақтда ишлаши оқибатида ишлаб чиқариш қувватлари пасайишига сабаб бўлади. Бу даврда эса ГЭСлар томонидан рустловчи қувватлар ишга туширилиши айни муддао бўлиб, электр энергияси таъминоти барқарорлигини таъминлайди.

Жамият ана шу мақсадда умумий қиймати 2 миллиард доллар, қуввати 1200 МВтга тенг 2 та гидротўплаш электр станциясини (Хўжаент ва Юқори Пском) қуришни режалаштирган. Бу каби муҳим аҳамиятга эга йирик лойиҳалар мамлакатимизда илк бор амалга оширилаётганини инобатга олиб, уларнинг техник-иқтисодий асосномасини тайёрлаш бўйича соҳада бой тажрибага эга бўлган нуфузли хорижий ҳамкорлар жалб этилади.

2024 йилда умумий қуввати 17 МВтли 18 та микроГЭС лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланган.

Соҳада кечаётган бу каби ўзгаришлар иқтисодий тараққиётни таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги ислохотларга таянч вазифасини ўтамоқда.

Хитойнинг Чангшу технологиялар университети билан “2+2” талабалар алмашинув дастури имзоланиб, жорий ўқув йили бошида 11 талаба Хитойга юборилди. Улар тўқимачилик муҳандислиги йўналиши бўйича назарий ва амалий билимларни пухта эгалламоқда.

Халқаро алоқалар

Ҳозирги вақтда давлат ва ҳокимият идораларида кўп ҳолларда кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш, уларнинг вазифа ва ваколатлари тақсимооти оқилона ва самарали йўлга қўйилмагани сезилмоқда. Олийгоҳларнинг илмий кенгашларига дунёнинг нуфузли олийгоҳларидан етакчи профессорларни жалб қилиш вақти келди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЧИН ҲАМКОРЛИК — ЕВРОПАДАН ХИТОЙГАЧА

Жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасалари, тадқиқот марказлари ва соҳа йўналишлари бўйича фаолият юритадиган, катта ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш салоҳиятига эга корхоналар билан ҳамкорлик бутунги куннинг асосий талабларидан бири. Бу каби муносабатларнинг афзаллиги шундаки, у таълим муассасаларига ўқитиш сифатини янги даражага кўтариш, меҳнат бозорига рақобатбардошликни ошириш ва хорижлик талабаларни кўпроқ жалб этиш имконини беради. Қолаверса, халқаро академик тажриба энг янги илмий изланиш ва технологиялардан фойдаланишга замин яратади.

Ўсишни таъминлайдиган мутахассислар бўлиб етишишига умид қилаймиз. Зеро, юртимиз тўқимачилик саноатининг салоҳияти ўта юқори. Етук кадр ва технологиялар бу салоҳиятни рўёбга чиқаришга мустаҳкам замин яратади.

Институт олдида қўйилган мақсадлардан яна бири корхоналарда талаб юқори кадрларни тайёрлашдир. Бунинг учун назарий ва амалий билимларни бирдек бериб бориш жоиз.

Ҳозир 1672 талабамиз пойтахтимиз бўйлаб етмишдан ортиқ корхонага дуал таълим асосидаги амалий дарсларга жалб этилган.

Жорий йилнинг январь ойида институтимиз делегацияси Туркияда бўлиб, қатор корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатди. Жумладан, нафақат Туркияда, балки бутун дунёда ноёб дизайни ва сифати билан танилган “PUNTO leather and fur” корхонаси билан тўқимачилик институти талабаларининг ёзи таътилда касбий амалиёт ўташи масаласи кўриб чиқилди. Бундан ташқари, “De tasarim” корхонаси ҳамда “LAESTE” ташкилотлари ҳам ўзбек талабалари учун эшиклари ҳамisha очиклигини таъкидлади. Ўшбу корхоналарда ёшларимиз чарм буюмларни конструкциялаш,

талабалар билан яқиндан танишди. Ўшбу лойиҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида АҚШнинг USAID жамғармасига тегишли MST — Бозор тизимларини ўзгартириш лойиҳаси вакиллари ҳамкорлик меморандумини имзолашни режалаштирмоқда.

Дуал таълим соҳасида Германиянинг эллик йиллик бой тажрибасини ўрганиш асосида ҳар қандай талаба корхоналарга амалиёт ўташга қўйилмаслиги аён бўлди. Сабаби, назарий билимни яхши ўзлаштирилмаган ёки соҳага етарлича қизиқиш билдирмаган талаба корхона жиҳозларига шикаст етказиши ёки тенгдошларига халақит бериши мумкин. Шу боис, назарий билимлар мустаҳкамлиги, талабалар соҳанинг энг сўнгги илмий янгилликлари ва инновацияларидан хабардор бўлиши учун жаҳоннинг энг улкан илмий базаси — Scopus билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилмоқда.

Институтимиз делегациясининг Бирлашган Араб Амирикларига сафари чоғида Амириклардаги Америка университети (AUE) профессори Муҳаммад ал-Хусайн билан ҳамкорликда жорий йилнинг октябрь ойида Scopus халқаро илмий анжуманини Ўзбекистонда ўтказишга

Даврон ВАҲОБОВ,

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори

Бу каби истиқболли натижаларга эришиш йўлида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳам ўз олдида қатор мақсадларни қўйиб келмоқда.

Хусусан, ўтган бир йил мобайнида институт хориждаги қатор олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик меморандумларини имзолади. Институтда ўтказилаётган халқаро илмий-амалий анжуманларда мазкур таълим муассасалари вакиллари фаол иштирок этиб келмоқда.

Институтда халқаро талабалар контингентини жалб қилишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бугун бу ерда Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон ва россиялик талабалар тахсил олаётгани сабаби шунда.

Кейинги йилларда 300 дан ортиқ профессор-ўқитувчи ҳамда 305 талаба Италия, Франция, Латвия, Жанубий Корея, Хитой, Греция, Грузия, Туркия, Ҳиндистон, Россия, Беларусь, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби кўплаб давлатларга академик алмашинув, малака ошириш, стажировка, амалиёт ва тажриба алмашиш мақсадида юборилди. Мазкур давлатлар ОТМларидан 193 профессор-ўқитувчи ва мутахассис ўқув жараёнини жалб этилди.

Президентимизнинг 2023 йил 10 январдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا мувофиқ, институтда Туркия, Германия ва бошқа давлатларнинг олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда тўқимачилик саноатида талаб юқори мутахассислар тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурларини жорий этиш белгиланган эди. Шу режага асосан, жорий йилнинг илк ҳафтала-рида институт делегацияси Измир шаҳридаги Ёге университетида бўлиб, Тошкентда унинг филиалини очиш масаласини муҳокама қилди.

Бундан олдин эса Хитойнинг Чангшу технологиялар университети билан “2+2” талабалар алмашинув дастури имзоланиб, жорий ўқув йили бошида 11 талаба Хитойга юборилди. Улар тўқимачилик муҳандислиги йўналиши бўйича назарий ва амалий билимларни пухта эгалламоқда.

Тўқимачилик муҳандислиги йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатиб, экспорт салоҳиятини оширади. Масалан, Италия, Туркия ва Хитой тўқимачилик маҳсулотларини энг кўп экспорт қилувчи давлатлар бўлиб, бу уларга катта даромад олиш ва иқтисодий ривожланишга сармоя киритиш имконини бermoқда. Биргина Хитой бу соҳадан ҳар йили қарийб 200 миллиард доллардан ортиқ даромад кўради.

Бугун Хитойда ўқиётган талабаларимиз мамлакатимиз иқтисодиётида бу соҳада кескин



Ханам Йўлчиева оғлан суратлар.

тикув буюмлари муҳандислиги ва йигирув технологиялари каби йўналишлар бўйича энг етакчи мутахассислардан кўника орттириши мумкин.

Институт амалда синаётган дуал таълим тизимининг асосий ўзига хослиги шундаки, аудиторияда юқори малака ва илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчи томонидан берилган билим амалиётда синалади. Таълим якунигача талаба нафақат корхонада ўз иш ўрни ва вазифаларига, балки карьерасидаги илк юқори лавозимига ҳам эга бўлиши мумкин.

Масалан, ўтган йил сўнггида институтда та-ниқли тадбиркорлар ва 500 талаба иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Ёш тадбиркорлар фо-руми доирасида бўлиб ўтган ушбу учрашувда бўлажак бизнес эгаларига қимматли маслаҳат-лар берилди, тадбиркорлик фаолиятини ривож-лантириш учун давлатимиз томонидан яратил-ган шароитлар санаб ўтилди. Институтда йўлга қўйилган “Бир тадбиркор+уч ҳамкор” лойиҳаси асосида эса йирик корхона вакиллари келгуси-да ишончли ходим, етук мутахассис, замонавий тенденциялардан хабардор, етук билим ва таж-рибага эга, истиқболли фикрлай оладиган ҳам-корлар сифатида танлаб олиш мумкин бўлган

келишиб олинди. Шунингдек, анжуман доира-сида академик соҳа етакчи мутахассислари уч ой давомида институтимиз талабаларига жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб берадиган илмий ва илмий-оммабоп мақолалар ёзиш, ахборот ва унинг манбалари билан ишлаш ҳамда факт-чек-кинг йўналишлари бўйича тренинглار ташкил қилади. Семинарлардан сўнг эса институти-мизда чоп этиладиган “Тўқимачилик муаммо-лари” журнали Scopus базасидан жой олади. Бу эса институтимиз тадқиқотчилари, тажрибали олимлари ҳамда яқинда ташкил этилган, атро-фида илм-фанга қизиқадиган ёшларнинг жаҳон олган “Ёшлар академияси”да инновациялар устида бош қотираётган ёшларимизнинг фан соҳасидаги меҳнатларини дунёга танитишга имконият яратиб беради.

Таълим, кадрлар ҳамда методика соҳасини ислоҳ қилиш билан бирга, институтимизда яқин кунларда рақамлаштириш жараёни ҳам бош-ланади. Олий таълим муассасаларини рақам-лаштириш таълим сифати, шаффофлик ва инсон ресурсларига ижобий таъсир кўрсатувчи кўплаб афзалликларга эгадир.

Рақамли технологиялар янги ўқитиш усул-лари, онлайн курслар, вебинарлар ва электрон таълимнинг бошқа шаклларида фойдаланишни таъминлаш орқали таълим сифатини оширади. Бу талабаларга кенгрок билим ва кўникмаларга эга бўлиш, шунингдек, касбий малакасини ошириш-га ёрдам беради. Айни жараён институт бошқару-ви шаффофлигини ошириш ва барча манфаатдор томонлар учун ахборот таъминотини яхшилашга йўл очади.

Институтни рақамлаштириш учун Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги — KOICA томони-дан 6 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратиб режалаштирилмоқда.

Дунёнинг етакчи университетлари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик институти рақам-лаштириш ва таълим сифатини оширишда қўла-нилиши мумкин бўлган илгор технологиялар ва тажрибалардан фойдаланиш имконини беради. Халқаро алоқалар миллий иқтисодиёт ва меҳнат бозори эҳтиёжларига мослаша оладиган қўшма ўқув дастурларини яратишга ҳам замин яратади.

Эл-юрт умиди

Темурбек УСМОНОВ,
Марказий банк Кредит
ташкilotлари фаолиятини
тартибга солиш методологияси
департаменти бошқарма
бошлиги ўринбосари

Ўзимни танибманки,
яқинларим эътиборида,
ғамхўрлигида ўсдим.
Ўқишдаги ютуқларим ҳақида
доимо биринчилардан бўлиб
ота-онам, бобо-ю бувиларим
билан бўлишгим келар экан,
уларнинг кўзидаги умид ва
ишонч менга янада кўпроқ
куч бағишлар эди. Бобомнинг
ҳар гал “Болам, сенга
ишонаман, хали, албатта, энг
яхши даргоҳларда таълим
оласан, эл-юртга фойдаси
тегадиган инсон бўлиб
улғаясан”, деб ният қилгани
ҳамон ёдимда. Худди шу
ишонч ривожланишдан
тўхташга ҳаққим йўқлигини
эслатиб туради.



ЭЪТИБОР РАҲБАР СИФАТИДА ШАКЛЛАНИШИМГА ЗАМИН ЯРАТДИ

Тошкент молия институти муваффақиятли тамо-лаб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида иш бошладим. Банк тизими регуляторда фаолият олиб бо-рар эканман, ундаги юқори билим ва тажрибага эга бўл-ган кадрлар, шунингдек, Жаҳон банки ҳамда Халқаро валюта жамғармаси мутахассислари билан яқиндан ишлаб, билим орттирдим, мутахассис сифатида ўсишга эришдим. Профессонал кадр сифатида ривожланишим-ни кейинги босқичга олиб чиқиш учун менда етишма-ётган билимлар, илмий салоҳият ва кўникмалар ҳақида ўзим учун хулосалар чиқардим, шу жараёнда магистрату-рани ўқишим зарурлигини англадим.

Ишни сифатли таълим тизими билан ажралиб ту-рувчи АҚШ, Европа ва Канада университетлари ҳақида маълумот йиғишдан бошладим. Бироқ замонавий банк тизими илдизи Буюк Британияга бориб тақалиши, ҳозир ҳам Лондон жаҳон банк-молия тизими пойтахти экан-ни эътиборимни айнан шу мамлакатга қаратди. Бундан ташқари, онам инглиз тили ўқитувчиси бўлгани боис, болагимдан мазкур мамлакат шаҳарлари, бой тари-хи ва маданияти ҳақида муайян тасаввур-га эга эдим. Буюк Британия мен учун маълум даражада ажралиб турарди. Ўшбу мамлакатдаги университет-ларни ўрганаётган эканман, Бир-мингем университети алоҳи-да эътиборимни қозонди. Буюк Британиянинг энг илгор илмий ҳамда юк-сак академик мавқега эга таълим даргоҳлари гуруҳига (Russel Group) кирувчи мазкур универ-ситетни кўплаб эътиборли шахслар, жумладан, бир қатор Нобель мукофоти совриндорлари, давлат раҳ-барлари тамомалаган.

Албатта, чет элда таълим олишни режалаштириш, универси-тетга қабул қилиниш — бу катта ютуқ, аммо аксар ҳолларда энг катта муаммо мо-лиявий масалаларда ўз аксини топади. Буюк Британия дунёнинг яшаш харажатлари энг қimmat мамлакатлари қаторига қиради. У ерда университетларда ўқиш учун за-рур молиявий ресурслар ҳам мутаносиб равишда юқори ҳисобланади. Шу сабабли, бу мамлакатда ўқишим учун менга молиявий томондан кўмак бера оладиган грант дасту-рлари ҳақида маълумот йиғар эканман, “Эл-юрт умиди” жамғармаси грантини ўзим учун кашф қилдим. Ўшбу дасту-р кўплаб раҳбар кадрларни шакллантириши, кенг имко-ниятлар тақдир этиши билан эътирофга сазовор.

Иқтисодиётда рискларни “диверсификациялаш”, яъни тақсимлаш тушуначиси мавжуд. Шу маънода, мен ҳам рискларни тенг тақсимлаш мақсадида “Эл-юрт умиди” жамғармаси грантидан ташқари, Буюк Британиянинг Chevening дастури грантига ҳам ҳужжат топширдим ва ҳар икки грант танловига ғолибликни қўлга киритдим. Ўз келажагим ва профессионал фаолиятимни Ўзбекис-тон билан боғлаганим сабабли айнан юртимиз учун кадр-лар етиштирилиши ўзига бош мақсад қилган “Эл-юрт умиди” жамғармаси грантини танлашни тўғри қарор, деб билдим. Ҳозирги кунга келиб, айтишим мумкинки, жамғарма томонидан кўрсатиладиган молиявий кўмак ўзининг миқдори ва кўлами жиҳатига кўра, бошқа мам-лакатларда ўхшаши йўқ.

Буюк Британияда ўқиш давомида ўзим учун мутлақо янги академик муҳитни кашф этдим. Биринчи семестр мен учун маълум даражада мураккаброқ ўқди, десам му-болага бўлмайди. Дарсларга ўзим учун аънавий тарзда тайёргарлик кўрар эканман, янги мавзуларни тушунишда қийинчиликлар сезардим. Аънавий деганда ўқитувчи томонидан берилган ресурслар доирасида ўқиш-ўрга-нишни назарда тутяпман. Академик талаблар ва муҳит-дан шунинг аниқлаб етдимки, профессор-ўқитувчилар маълумот ва билимнинг асосий манбаси эмас. Уларни мавзу бўйича умумий йўналиш ҳамда тушуначаларни, кўшимча ресурсларга ҳавоаларни берувчи профессионал консуль-тантлар сифатида таърифлаган бўлар эдим. Академик та-лабларни бажариш учун талаба фақат мустақил ўқишга

(self-study) таяниши лозим. Бунда дарсда ўрганилган ҳар бир соатга камиди икки-уч соат мустақил ўқиш, изланиш тўғри келади.

Университетнинг 1800 кишига мўлжалланган кутуб-хонасига бораётган эканман, ҳар сафар бўш ўринлар тақчил-лигидан жой топишга камиди 15-20 дақиқа вақт сарфлар эдим. Барча ўз устида ишлаш, мустақил ривожланиш билан овора, ташқи дунёга чалғимайди. 24 соат талаба-лар учун хизмат кўрсатувчи кутубхоналарда топириқ ва имтиҳонларга кеча-кундуз тайёрланадиган толиби илм-лар ҳам кўп.

Топириқларни бажарар эканман, ўқитувчилар мен-дан асосланмаган субъектив қарашлар эмас, балки мавзу бўйича мавжуд ва тан олинган тадқиқотлар, мақолаларда қўлланилган методлар, ишончли маълумотлар, улар асо-сида бажарилган эмпирик таҳлилларим ва асосланрили-ган хулосаларимни кутишларини англадим.

Университетнинг одоб-ахлоқ ҳамда этика қондала-рига келсак, меннинг эътиборимни тортигани бу кўчирма-кашликка (plagiarism) мурасасизлиқдир. Инсон бошқа-нинг меҳнатини ҳурмат қилиши лозимлиги,

биронинг сўровисиз ёки унга ҳавола келтирмасдан ишдан фойдаланиш, яъни кўчирмакашлик ўғрили-ки билан баробар экани мактаб даврларидан сингдирилади. Қайд этиш лозимки, уни-верситет томонидан қў-чирмакашликни аниқлаш бўйича ахборот тизимла-ри пухта йўлга қўйилган, агар кимдир мазкур кон-дабузарликка йўл қўйса, у талабалар сафидан чиқа-рилиши мукаррар.

Икки семестр давомида молиявий ва иқтисодий соҳа-даги билимларимни бойитдим, энг муҳими, аввалдан ўзимнинг энг катта камчиликларимдан деб билган эконометрик ва илмий таҳлил қилишга оид салоҳиятимни оширдим. Ўқиш

яқунлангач, илмий раҳбарим билан маслаҳатлашиб, Ўзбекистон қатори ривожланган мамлакатлар учун ак-туал, бироқ ҳали кўп таҳлил қилинмаган мавзунин танлаш-га қарор қилдим. Марказий банкдаги фаолиятимдан келиб чиқиб, банкларни тартибга солиш тизимининг мураккаб-лик даражаси ҳамда мамлакатдаги молиявий оммабоплик даражаси ўртасидаги алоқадорлиқни Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатлари мисолида таҳлил қилдим, маълум бир тавсиялар ишлаб чиқдим. Хулосаларим, би-лим ва кўникмаларимни келажақда профессионал фаолия-тим доирасида қўллаб олишимга ишонаман.

Хуллас, Буюк Британияда ўтган талабалик даврим нафақат академик, балки ҳаётий таассуротларга ҳам бой бўлди. Бу давр мобайнида мен нафақат кадр сифатида, балки маълум бир даражада шахс сифатида ҳам ўсиш-га эриша олдим деб ўйлайман. Турли миллатга мансуб дўстлар орттирдим, уларнинг маданиятини ўргандим, ўзимизнинг маданият, тарих ҳақида ўртоқлашдим. Бу ҳам дипломатиянинг бир кўриниши аслида.

Хориждаги ўқишимни муваффақиятли тамома-лаб, юр-тимизга қайтиб келдим. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Рес-публикаси Марказий банки Кредит ташкилотлари фао-лиятини тартибга солиш методологияси департаменти бошқарма бошлиги ўринбосари лавозимида ишлаб кел-моқдаман. Вазифам банк назоратига оид умумэтироф этилган стандарт ва тажрибаларни банк тизими хусуси-ятларидан келиб чиқиб жорий қилишдан иборат. Ҳозирги кунда жамоамиз билан макропруденциал инструментлар, риска асосланган назоратни жорий қилиш, ликвидли-лик ва капитал монандлигига доир амалдаги талабларни “Базель III” стандартларига янада мослаштириш бўйича ишламоқдамиз.

Режаларимга келсак, билим ва кўникмаларим асосида мамлакатимизда нафақат банк барқарорлигини таъмин-лашга қаратилган, балки тизимга янги молиявий техно-логиялар, ечимлар жорий қилинишини таъминлай ола-диган мақбул регулятор режим яратилишига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.



